

Чингиз Айтматов

СОМОН ЙЎЛИ

Қисса

Асил Рашидов таржимаси

Ота, мен сенга ёдгорлик ўрнатолмадим. Сенинг қаерга дафн этилганлигингни ҳам билолмайман. Ушбу асаримни, отам Тўракул Айтматов, сенга бағишлайман.

Она, сен бизни улғайтириб одам қилдинг. Сенинг узоқ умр кўришингни тилаб, онам Наима Айтматова, сенга бағишлайман.

I

– Омонмисан, қутлуғ далам!

– Шукр. Келдингми, Тўлғаной? Бултургидан анча чўкиб қолибсан. Сочларинг оппок, қўлингда ҳасса.

– Умр ўтиб боряпти, она-Ерим, орадан тагин бир йил ўтди. Бугун менинг сиғинадиган куним.

– Келишингни билардим. Кутаётгандим, Тўлғаной. Бу сафар набирангни ҳам эргаштириб келмоқчи эмасмидинг?

– Шундай эди-ю, лекин бу сафар ҳам ёлғиз келдим.

– Демак, сен унга ҳали ҳам ҳеч нима айтмабсан-да, Тўлғаной?

– Йўқ, айтолмадим.

– Ишқилиб, эртами-кечми, ахир бир кун у ҳам эшитади-да, Тўлғаной. Эл оғзига элак тутиб бўлади, дейсанми?

– Тўғри айтасан. Эртами-кечми, ахир бир куни билади. Ўзи ҳам улғайиб, яхши-ёмонни тушунадиган бўлиб қолди. Бироқ мен учун ҳали ҳам темир қанот палапонга ўхшаб кўринади. Болалик қилиб ўтган-кетгани тўғри тушунолмай, кўнгли совиб қолмаса деб ташвишланаман. Бари бир одам ҳақиқатни бир кун эмас, бир куни билиши керакда. Мен билган ҳақиқатни, сирдошим хосиятли ер, сен билган ва эл билган ҳақиқатни ҳозирча ёлғиз угина билмайди, холос. Билганда нима дер экан, қандай ўй-хаёлларга бораркин, гапнинг тагига етолармикин? Қандай қилиб ўша дилини оғритмай, ёшлигиданоқ ҳаётдан кўнглини қолдирмай, сиримни айта олсам экан? Қани энди икки оғиз сўз билан битадиган иш бўлса. Кейинги кунларда фақат шуни ўйлайман, туну кун хаёл сураман. Қишда тобим қочиб, тўшакда ётганимда ҳам ўлимдан кўрқмаган эдим, ажал етса тап тортмай ўлимни қарши олардим. Бироқ, куним битиб, кўзим юмилиб кетса, айтадиган васиятимни айтолмай, ўзим билан гўрга олиб кетаманми, деб юрагимга ваҳима тушди. У эса йўқ, буни қайдан билсин, у тентак, мактабни ҳам йиғиштириб қўйиб, ёнимдан силжимай қолди. Онасининг худди ўзгинаси: «Энажон, қаеринг оғрияпти? Сув ичасанми, ё доридан берайми? Устингни ёпиб қўяйми, энажон?» – деб гирдикапалак бўларди. Ўшанда тилим бормади, кучим етмади. Бойкушим, ичида ҳеч кири йўқ, содда дил нарисида гўдак эди. Ҳеч нимадан гумон қилмасди. Унга нима ҳам дея олардим. Шуларни ўйларканман, калавамнинг учини тополмай қийналардим. Ундай қилиб ҳам, бундай қилиб ҳам фикрларимни